

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

САЙЛОВГА ПУХТА ТАРАДДУД КЎРИЛМОҚДА

Тошкент вилоятида ҳам жорий йилнинг 4 декабрь кунини ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига пухта ҳозирлик кўрилмақда.

Жараён

“Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига”ги Қонуннинг 10- ва 11-моддаларига мувофиқ, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан сайлов участкаларини тузиш тўғрисида округ сайлов комиссиясига келиб тушган тақдимномалар асосида вилоятда 875 сайлов участкаси тузилди.

Ушбу муҳим сиёсий тадбирни демократик таъминлаш асосида ошқо-ра ўтказиш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эмин-эркин ифода этиши учун зарур қулайликлар яратиш мақсадида сайлов участкалари белгиланган меъёрий талабларга мувофиқ жиҳозланмоқда. Хусусан, давлат раҳбарлари, зарур техника воситалари – телефон, факс, нуска кўчириш аппарати, интернет ва тегишли адабиётлар билан таъминланмоқда. Сайлов қонунчилигига оид маълумотлар, сайловчилар ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги тарғибот воситалари кўри-нарли, қулай жойга осиб қўйилишига эътибор қаратилмоқда.

Участка сайлов комиссиялари таркиби таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, корхона ва жамоат ташкилотларида ишлаётган, сиёсий билими

юқори, амалга оширилаётган ишхотлар моҳиятидан яхши хабардор, ташкилотчи, энг муҳими, партиясиз бўлган раҳбар ходимлардан шакллантирилмоқда.

– Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида яратилган миллий сайлов қонунчилигимизга кўра, фуқаролар йиғинлари фаоллари сайловни ташкил этишда маҳаллий ҳокимликларга яқиндан ёрдам бериши белгиланган бўлиб, дейди 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси Ҳ. Ҳамидов. – Келтирилган мазкур тартиб сайловга ҳозирлик ишларининг янада пухта ва тезкор амалга ошишида муҳим омил бўлмоқда.

Сайловда Чирчиқ шаҳридан 114 минг 884 фуқаро миллий қонунчилигимизда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларидан фойдаланиб, овоз беради. Уларнинг ўз хоҳиш-иродасини мустақил билдириши учун бу ерда 52 сайлов участкаси ташкил этилган. Сайлов участкалари учун бинолар танлашда сайловчилар сони, уларнинг участкага келиб овоз бериши учун транспорт қатнови, овоз берувчилар учун мавжуд шароитлар, сифатли хизмат кўрсатиш имконияти

ва бошқа жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда ўтказиладиган муҳим сиёсий тадбирнинг тенглик, ошқо-ралик ва демократик таъминлашда ҳар бир участка сайлов комиссиясининг ўрни бор. Овоз берадиган кунини сайлов участкасига келолмайдиган сайловчиларнинг уйига бориш, кўча кути билан таъминлаш, шунингдек, сайлов участкасида тиббиёт ҳамда она ва бола хоналари ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бўлими, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик асосида сайлов жараёнлари билан боғлиқ тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилади. Тадбирларда марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича ўтказиладиган тадбирлар дастури доирасида ташкил этиладиган семинар, учрашув ва давра суҳбатларида аҳоли миллий сайлов қонунчилиги билан яқиндан таништириб борилади.

И. АВВАЛБОВ,
ЎЗА мухбири.

МУТАСАДДИЛАР ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Уни округ сайлов комиссияси раиси Ҳақимжон Ҳамидов бошқарди.

Йиғилишда округ сайлов комиссияси аъзолари, сайлов комиссияси қўшидаги матбуот маркази ходимлари, тегишли мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлис кун тартибига мувофиқ, сайлов округи ҳудудларида тузилган сайлов участкаларини талаб даражасида жиҳозлаш, ёритиш, иситиш ва ичимлик

суви билан таъминлаш масалалари ҳамда участкалардаги она ва бола хоналарини зарур буюмлар билан жиҳозлаш бўйича тегишли ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Шунингдек, Президент сайловини ўтказувчи сайлов участкаларида сайловга тайёргарликнинг бориши юзасидан комиссия аъзоларининг ахбороти эшитилди.

Йиғилишда, шунингдек, округ сайлов комиссияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини тўғрисида”ги Қонун талаблари, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига мувофиқ амалга ошириши таъкидланди.

Йиғилишда кўрилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

ЎЗ мухбири.

БОШ ВАЗИРНИНГ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ: муаммоларга тезда ечим топилмоқда

Амир Темур куч-қудрат адолат, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликда муҳассам эканини англаб-англаб яшаган. Соҳибқироннинг давлат муҳрида битилган “Куч – адолатда” ҳикмати ҳақиқатпарварлик ва ростлик инсон кучига куч қўйиши, ўз навбатида, кучли шахс ҳамиша ҳаққў бўлишини англатади. Ислоҳ Каримов ишлаб чиққан тараққиётнинг “Ўзбек модели” – машҳур беш тамойилнинг бири ҳам айнан қонун устуворлиги эди. Биринчи Президентимиз бугун фаолият давомида эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш, жамиятимизда қонун устуворлигини, тартиб-интизомни, адолат ва ҳақиқатни қарор топтириш йўлида курашди.

Шу маънода яқинда Ўзбекистон ҳукумати порталида очилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонасини (pm.gov.uz) ўзбек давлатчилик мактабига мансуб адолатпарварлик, ҳақиқатни таъминлаш борасидаги анъаналарнинг

мантийқий давоми бўлди, дейиш мумкин. Бугун минглаб юртдошларимиз ҳал этилмаган масалалар, муаммолар, ариза, шикоят ёки тақлифлар билан тўғридан-тўғри мамлакатимиз Бош вазирига мурожаат қилмоқда.

Бунда мурожаатни уч усулда – 210-00-00 ёки 10-00 қисқа рақамларига қўнғироқ қилиб (қўнғироқ мамлакатимиз бўйича бепул бўлиб, ундан фақат стационар телефонга қўнғироқ қилиш нархи бўйича ҳақ олинади), pm.gov.uz манзилдаги махсус мурожаат шаклини тўлдириб ёки Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг ҳудудий ташкилотларига бориб юбориш мумкин. Сайт (pm.gov.uz) орқали онлайн мурожаат юбориш шакли ҳамма учун тушунарли ва содда тузилган. Сайтда мурожаат макomini (жа-воб берилган-берилмаганини) текшириш мумкин. Энг муҳими, онлайн мурожаатларда электрон

рақамли имзо талаб қилинмайди.

Маълумотларга кўра, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига дастлабки кунёқ мамлакатимизнинг турли жойларидан мингта яқин ариза, шикоят ва тақлифлар тушган бўлса, бугун мурожаатлар сони 20 мингдан ошиб кетди. Қувонарлиси, ҳозирга қадар юзлаб муаммолар тезда ўз ечимини топди.

Шу йил март ойида урганчиқ Зулфия Бекбергеновнинг 25 ёшли ўғли Ҳуррам Қурбоновнинг бош миёсида қон қуйилиш ҳолати аниқланган. Шифокорлар уни хорижда даволатишни тавсия қилган. Муолажа учун 8 минг доллар зарур эди. З. Бекбергенова ўтган вақт мобайнида миллий валютани хорижий валютага конвертация қилиш бўйича Хоразм вилоятидаги қатор банкларга мурожаат қилган. Бироқ, иши ҳал бўлмаган. Зулфия опа сўнгги умид сифатида шу йил 26 сентябрда Бош вазирнинг вир-

туал қабулхонасига ариза жўнатган.

– Порталга мурожаат қилганимдан кейин ойлар давомида мени ўйлатган муаммо икки кунда ҳал бўлди, – дейди З. Бекбергенова. – Ўғлимни хорижда даволатиш учун халқаро тўлов картасига етарлича хориж валютасини олганимда, қувончдан йиғлаб юбордим. “Мана, биздай оддий фуқароларнинг ҳам дардини тинглайдиган, муаммоларини ҳал қилиб берадиган инсон бор экан-ку”, дедим. Бу портал Ўзбекистонда демократиянинг мустаҳкам қарор топишида жуда катта ва муҳим қадамдир.

Яна бир мисол – Хоразм вилояти Хива туманида истиқомат қилувчи Роҳат Абдуллаева уйи бузилгач, 2014 йили янги котежга кўчиб ўтди. Бузилган уй шартномада 139 миллион сўмга баҳоланади. Бироқ, бу бабладан 38 миллион сўмнинг ҳокимлик тўлаб бермади.

Давоми 2-бетда. ➡

ҚУМОВУЛНИНГ БУГУНГИ ЖАМОЛИ

Мамлакатимиз қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Обод манзиллар

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бу борада муҳим дастурил-амал бўлаётди.

... Ўрта Чирчиқ туманидаги Қумовул қишлоғи йилдан-йилга чирой очиб, тобора кўркам масканга айланимоқда. Бу ердаги намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, “Гўзаллик саломи”, модалар ательеси, таъмирлаш ва тикув цехлари, маиший техника-



Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

ларни тузатиш шаҳобчалари қишлоқ аёллари турмуш маданиятини ошириш, уларнинг янада кўркам ва латофатли бўлишига хизмат қилмоқда.

– Ҳудудимиздаги ўнта маҳаллада 26 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади, – дейди Қумовул қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хайринисо Мирзажонова. – 2009 йилдан буён Янги ҳаёт, Гулзор,

Нурфашон ва Навоий массивларида мингдан зиёд намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар бунёд этилган. Бу уйларнинг миллий анъаналаримиз асосида яратилгани айлани муддао. Аҳолининг тоза ичимлик суви, табиий газ, электр таъминоти яхшилаш, йўлларни таъмирлаш бўйича мажмуавий чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда Қумовул қишлоғини кесиб ўтувчи катта йўл таъмирланиб, унинг икки ёқасида боғ-роғлар, йўл инфратузилма иншоотлари қад ростлади. Қумовулликларнинг меҳнатсаврлиги, миришкорлиги, ташаббус ва интилишлари самарасида бу ер энг обод ва кўркам қишлоқлардан бирига айланди.

Давоми 3-бетда. ➡

Ёшларга
оид давлат
сиёсати –
амалда

НАВҚИРОН
АВЛОД
ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Бўстонлиқ туманидаги “Қамолот” ёшлар оромгоҳида “Кино ва ёшлар” II республика форуми бўлиб ўтди.

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши томонидан қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган форумда “Ўзбеккино” миллий агентлиги қўшидаги бадиий кенгаш аъзолари, киноижодкорлар, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари фаоллари, ёшлар иштирок этди.

Форумда мамлакатимизда миллий кинематографияни ҳар томонлама ривожлантириш, бунинг учун зарур моддий ва маънавий шароитлар яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Миллий кино санъатимизни ёшларнинг ички дунёси, маънавиятига ижобий таъсир этувчи омилга айлантириш бугунги кун талаби экани ҳақида сўз юритилди. Биринчи Президентимизнинг 2004 йил 16 мартдаги “Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим дастурил-амал бўлмоқда.

Тадбирда миллий кино санъатини ривожлантириш, кадрлар ма-лакасини ошириш, тажриба алмашишни кенг йўлга қўйиш, ёш ижодкорлар учун маҳорат сабоқлари ташкил этиш, зарур ўқув қўланмалари ҳамда методик материаллар яратиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Давоми 2-бетда. ➡

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ: МОҲИЯТ ВА МЕЗОН

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини давлатимизда гоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа ҳисобланади. Зеро, мамлакатимиз келажиги, унинг янада тараққий топиши сайловдаги барча иштирокчиларнинг фаоллиги, сиёсий етуқлиги ва пировард натижада сайловчилар қабул қиладиган қарорга боғлиқ.

Мамлакатимизда Президент сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида”ги Қонун ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солина-

мазкур Қонунга 7 марта ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш тартибини қонунлар орқали белгилаш сайловга оид турли халқаро стандартларнинг муҳим талабидир. Қонуннинг бевосита мазмунига тўхталадиган бўлсак, унинг қуйидаги 6 та жиҳати, айниқса, эътиборга молиқдир.

Биринчидан, ушбу Қонун халқаро сайлов

стандартларига тўлиқ мос келади.

Маълумки, БМТ қабул қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро Пакт, Иқтисодий ҳаётнинг барча шакллари, Аёлларга нисбатан камситишларнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш ҳақидаги Конвенциялар ва бошқа сайловга оид ҳужжатларда, асосан, инсоннинг давлат бошқарувида иштирок

этиш, сайлаш ва сайланиш, давлат хизматига киришда тенг ҳуқуқли эканлиги қайд этилган. Бундан ташқари, овозларни ҳисоблаш ҳамда бу ҳақдаги ахборот ҳаққоний бўлиши, унинг расмий аёнлари эса матбуотда эълон қилинишини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларида монеликсиз фойдалана олиш ҳам шулар жумласига киради.

Давоми 2-бетда. ➡

2017 йил

учун

«Тошкент ҳақиқати» ва
«Ташкентская правда»

газеталарига
обуна бўлишни
унутманг!

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.
Даврон АҲМАД
олган сурат.

Айниқса, нурунийларнинг қувончи чексиз. Бир пайтлар пахта даласидан бошқасини кўрмаган, турмуш таъшишларига ўралашиб кун кечирган онахонлар бугун замонавий уй-жойларда яшаб, баркамол фарзандларни вояга етказётган келинларига ҳавас қилади.

Ўтган йили Гулбаҳор аянинг ўғли Азизжон ҳам Қумовул қишлоғи Янги ҳаёт массивидаги намунавий лойиҳалар асосида қурилган уй-жойлардан бирига эга бўлди. Онахон бундан 30-40 йил олдин Қумовул билан ҳозиргисини солиштириб, хурсандчилигини яшира олмайд.

— Қумовул бир пайтлар чанг-тупроқли, харобагина жой эди, — дейди Гулбаҳор Мирзаева. — Янги келин бўлиб тушган пайтларини эсламан, шўрлаб ётган пахта далалари, захлаб кетган ерлар, қамшизорлару тиканак босган кўчалардан юришга қўрқардим. Биринчи марта келганимда, кишлоқ номига мос ҳақиқий қумли овул экан, деб ўйлаганман. Йўл ёқаларида кўримсиз, гуваладан қурилган, лойшувоқ уйлар бор эди. Ҳозир уларнинг ўрнини замонавий, кўзни яшнатувчи шинам уй-жойлар эгаллади. Давлатдан

ҚУМОВУЛНИНГ БУГУНГИ ЖАМОЛИ



Қобилжон ҚОҒУРОВ олган сурат.

бир қарич ер олиш мушкул бўлган ўша замонларда бунақа замонавий уйлар қурилиши тушимизга ҳам кирмаган, болам. Ҳозир ҳаммаёқда бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари авжида. Кишлоғимизга келган одам эртақсимон шаҳарчага тушиб қолгандай бўлади. Намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлардаги шароитларни айтмайсизми?!

Иситиш, совутиш тизими, қулай, ораста ювиниш хоналари, шинам, кенг хоналар дилини яйратади. Биринчи Президентимизнинг 2016 йил 29 январдаги 2016 йил учун тураржой мавзеларини қуриш ва қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги

тураржойлар қурилиши индустриал базасини янада ривожлантириш ва маҳаллийлаштириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисидаги Қарорига биноан жорий йилда мамлакатимизнинг 300 қишлоғида 13 мингта уй-жой қурилиши якунланиб, аҳоли ихтиёрига топширилмоқда. Мазкур қарорга биноан бу йил уй-жойларни қуриш ишларида маҳаллий, экспорт ўрнини босувчи хом ашёдан кенгроқ фойдаланилган.

Қумовуллик Рустам ва Нигора Ҳўсбевлар яқинда ана шундай намунавий тураржойлардан бирига кўчиб ўтди.

— Янги уйда икки ўғлимнинг хатна тўйини ўтказдик, — дейди Рустам. — Тўйга келган барча

қариндош-уруғларимиз хонадонимиздаги шарт-шароитларни кўриб, ҳавас қилди. Бу уйларда меҳмон қутишдан асло қармамайсиз. Кишда иссиқ, ёзда салқин бўлади. Бу уйларда юз йил яшаш, фарзандлар, невароу чеваралар роҳатини қуриш, тўйлар қилиш ниятимиз бор.

Ободлик, эзгулик ва бунёдкорлик эгизак тушунчалар. Учласи ҳам юрт тараққиётига хизмат қилади. Қумовулдаги бунёдкорлик ишларини барча олис қишлоқларимизда ҳам кузатиш мумкин. Буларнинг бари эзгу мақсадлар рўёби, фаровон ҳаётимизнинг бугунги мазмуни ва ёрқин ифодасидир.

Азиза ҚИЁСОВА,
ЎЗА мухбири.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ / ВИЛОЯТ ҲАЁТИ / ВИЛОЯТ ҲАЁТИ / ВИЛОЯТ ҲАЁТИ / ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

ЧИНОЗДА ЯНГИ МАЖМУА

Чиноз тумани марказида кўп тармоқли "Ибрат" савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаси ўз фаолиятини бошлади.

Замонавий архитектура андозалари асосида бунёд этилган мажмуада аҳолига намунавий хизмат кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Бу ерда мижозлар нафақат озиқ-овқат, саноат ва бошқа маҳсулотлар билан савдо қилувчи дўконлар, балки дори-хона, фото ва гўзаллик салонлари сингари ўндан ортққ маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари хизматидан ҳам фойдаланишлари мумкин. Мажмуанинг юқори қаватида жойлашган 450 ўринли тўйхонада турли маросим ва тантанали тадбирларни ўтказиш имконияти мавжуд.

— Мажмуани бунёд этишдан асосий мақсад, аҳолига сифатли хизматлар кўрсатиш билан бирга, янги иш ўринлари яратиш, ёшларни иш билан банд этиш эди, — дейди "Чиноз Ибрат савдо" хусусий корхонаси раҳбари Шўхрат Рўзиков. — Айни пайтда бу ерда туманимиздаги касб-хунар коллежларини тамомлаган 30 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Келгусида корхона фаолиятини янада кенгайтиришни режалашганимиз. Шунинг ҳисобидан яна 10 дан ортққ ёшлар доимий иш билан таъминланади.

ЭНГ НАМУНАЛИ ОРОМҒОҲ

"Ўзбекистон металлургия компанияси" акционерлик жамиятининг "Ёшлик" болалар оромгоҳи 2016 йил мавсумида ёш авлодни соғломлаштириш, жис-

Эришилган бундай юқори натижа учун оромгоҳга Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш ташкилотчиларининг VI Республика форумида Кенгашининг махсус дипломи ҳамда "Бахтиёр болалар мамлакатини" нишон топширилди.

Шуни таъкидлаш керакки, "Ёшлик" болалар соғломлаштириш оромгоҳи йилнинг тўрт фаслида ҳам фаолият кўрсатишга ихтисослашган мамлакатимиздаги ягона маскан ҳисобланади. Бу ерда болаларнинг дам олиши ва ўқиши учун барча шароитлар яратилган. Замонавий талаблардан келиб

монан етук ва баркамол бўлиб вояга етишига кўшган ҳиссаси ва фаолиятини юқори савияда ташкил этгани учун "Энг намунали оромгоҳ" деб топилди.

чиққан ҳолда йўлга қўйилган махсус дастурлар асосида тарбиявий йўналишдаги ишлар ва дам олиш тадбирлари маънан янада бойитилди. Бундан ташқари, оромгоҳда бой манбага эга кутубхоналар, турли фан ва спорт тўғрисидаги ҳам йил мобайлида фаолият юритади.

ОГОҲЛИК САБОҚЛАРИ

Бугун одам савдосининг олдини олиш бўйича бир қатор профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирларнинг наватдагиси Ангрен транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида бўлиб ўтди. Хукуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари, "Қамолот" ЕИҲ Ангрен шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда "Одам савдоси — давр муаммоси" мавзuida уюштирилган мазкур давра суҳбатиди ёшларга айтилган иллатнинг салбий оқибатлари, унга қарши курашиш чора-тадбирлари хусусида атрофчида тушунтириш берилди. Йигилиш сўнгги одамфурӯшларнинг жирканч қиёфасини фотосуратлари билан кўрсатишди.

"САЙЁХ" ДАН БАРЧА МАМНУН!

Зангиота туманидаги Амир Темур номида кўча кун сайин обод ва кўркем бўлиб бормоқда.

Йўлнинг икки четидаги хизмат кўрсатиш шахобчалари қурилиши ниҳоятда етиб, бирин-кетин фойдаланишга топширилмоқда.

Зангиота зиёратгоҳи рўпарасида қад ростлаган "Сайёх" ресторани кун кеча иш бошлади. Бу ерда тайёрланаётган миллий таомлар зиёратгоҳга келаётган сайёҳларга манзур бўлмоқда. Рестораннинг ишга туширилиши натижа-сида 10 та янги иш ўрни яратилди. Яқин кунлар ичида иш ўринлари янада кўпаяди.

Шунингдек, ресторан қошида новвойхона ва сомсахона ҳам ишлаб турибди.

"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ОЙНИНГ СЎНГИ ШАНБАСИ...

Пискент тумани хотин-қизлар кўмитаси ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди худудий бўлими ташаббуси билан ҳар ойнинг охириги шанбаси "Аёллар спорти кунин" деб эълон қилинди.

Хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада омалаштириш, уларни спорт тўғрисидаги кенгроқ жалб этишни мақсад қилган мазкур ташаббус доирасида


хотин-қизлар ўртасида спортнинг волейбол, стол тенниси, шахмат, гимнастрада ва бошқа турлари бўйича мусобақалар изчил ўтказиб келинмоқда.

Хусусан, яқинда Бе-

кобод шахрида ташкил этилган вилоят аёллар спартакиада-сида Ойбек номида маҳаллада истикомат қилувчи Муҳаббат Тоирова фахрли иккинчи ўринни кўлга киритиб, вилоят ҳокимлигининг махсус дипломи ва қимматбаҳо совғаси билан тақдирланди.

Таълим

Айни пайтда республикамиздаги умумтаълим мактабларида "Она тили ва адабиёт" фани ойлиги ўтказилмоқда. Мазкур ойлик доирасида Янгийўл туманидаги умумтаълим мактабларида ҳам қатор тадбирлар, давра суҳбатлари уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.



ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 12 октябрь кунин Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 11-13, кундузи 25-27 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 8-13, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли худудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-8, кундузи 15-20 даража иқлим бўлади.

Реклама ва эълонлар

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТИ

2016 йил 2 ноябрь кунин соат 12.00 да бошлангич баҳоси олиб бориши тартибида ўтказилган "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. Ангрен шаҳар СИБ томонидан хатланган: 1.1. Ангрен шаҳар 29-сонли автобаза майдонида сақланаётган: ЖИБ Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар судининг 21.02.2013 йилдаги 1101-187/2016-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич баҳоси — 1 848 547 сўм 54 тиын бўлган, 1989 йилда и/ч., д/р. 10G19-66, "УАЗ-3151201" р-ли ав-на; ЖИБ Охангарон тумани судининг 15.04.2011 йилдаги 247-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич баҳоси — 22 196 790 сўм бўлган, 1989 йилда и/ч., д/р. 11L4120, "КамАЗ" р-ли юк ав-на ҳамда бошлангич баҳоси — 20 333 452 сўм 30 тиын бўлган, 1982 йилда и/ч., д/р. 10T843BA, "КамАЗ" р-ли юк ав-на; 05.10.2012 йилдаги 7559/12-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси — 925 777 сўм 68 тиын бўлган, 1980 йилда и/ч., д/р. 10T297CA, "BA3-21011" р-ли ав-на; 10.12.2010 йилдаги 1049/10-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси — 4 305 203 сўм 53 тиын бўлган, 1983 йилда и/ч., д/р. 11A67-17, "КАМАЗ" р-ли ав-на; 1.2. Ангрен шаҳар ИИБ ИХББ жариима майдончасида сақланаётган: 17.05.2016 йилдаги 5108/16-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси — 36 820 354 сўм 60 тиын бўлган, 2009 йилда и/ч., д/р. 10K148GA, "Нексия" р-ли ав-на;

17.05.2016 йилдаги 5106/16-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси — 32 488 354 сўм 60 тиын бўлган, 2007 йилда и/ч., д/р. 10H638LA, "Нексия" р-ли ав-на; 17.05.2016 йилдаги 5107/16-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси — 5 203 385 сўм 50 тиын бўлган, 1981 йилда и/ч., д/р. 10A576EA, "BA3-21011" р-ли ав-на; 08.04.2016 йилдаги 3214/16-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси — 3 833 349 сўм 52 тиын бўлган, 1987 йилда и/ч., д/р. 10B264EA, "ГБ-СПГ-BA3-21063" р-ли ав-на; 08.04.2016 йилдаги 3215/16-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси — 5 081 689 сўм 68 тиын бўлган, 1988 йилда и/ч., д/р. 10N423AA, "ГБ-СПГ-BA3-21063" р-ли ав-на; 06.04.2015 йилдаги 9500/15-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси — 2 527 812 сўм бўлган, 1987 йилда и/ч., д/р. 10P683FA, "BA3-21063" р-ли ав-на; 15.10.2012 йилдаги 6184/12-сонли ижро ҳужжатида асосан, бошлангич баҳоси — 723 796 сўм 70 тиын бўлган, 1985 йилда и/ч., д/р. Т8305, "УАЗ-469 Б" р-ли ав-на; 2. Бекобод тумани СИБ томонидан хатланган, Бекобод тумани ИИБ ДАНБ жариима майдончасида сақланаётган: ЖИБ Бўша тумани судининг 07.02.2012 йилдаги 242-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич баҳоси — 849 539 сўм бўлган, 1985 йилда и/ч., д/р. 10W471BA, "BA3-2103" р-ли ав-на; ЖИБ Бўша тумани судининг 14.01.2015 йилдаги 01-06/775-сонли ижро варақасига асосан,

бошлангич баҳоси — 1 089 088 сўм бўлган, 1985 йилда и/ч., д/р. Д 7201 ТШ, "MC-412" р-ли ав-на; ЖИБ Бекобод тумани судининг 22.05.2012 йилдаги 1-92-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич баҳоси — 770 969 сўм бўлган, 1992 йилда и/ч., д/р. 10D8212, "BA3-2102" р-ли ав-на; ЖИБ Бекобод тумани судининг 14.05.2012 йилдаги 1-126-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич баҳоси — 727 189 сўм бўлган, 1978 йилда и/ч., д/р. 11F824DA, "BA3-21011" р-ли ав-на; ЖИБ Бекобод тумани судининг 13.12.2013 йилдаги 326-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич баҳоси — 2 115 266 сўм бўлган, 1982 йилда и/ч., д/р. 10Q602FA, "BA3-2106" р-ли ав-на; ЖИБ Бекобод тумани судининг 29.12.2011 йилдаги 1-198-сонли ижро варақасига асосан, бошлангич баҳоси — 3 241 665 сўм бўлган, 1986 йилда и/ч., д/р. 11S4437, "BMW" р-ли ав-на; 3. ЖИБ Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани судининг 10.03.2016 йилдаги 1-41/2016-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлик тумани СИБ томонидан хатланган, Бўстонлик тумани, Ҳазалкент-2, "Мариам текстил сервис" МЧЖ жариима майдончасида сақланаётган, бошлангич баҳоси — 1 835 205 сўм бўлган, 1973 йилда и/ч., д/р. 10Y481HA, "ГБ-СПГ-BA3-2101" р-ли ав-на. Савдолар Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 8-ўйда жойлашган, "Савдо ташкилотчиси"нинг аукцион залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган мулклар билан СИБ

вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси қолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кунин ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабдорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагиди талабдорлар тузилмадан закалат келишувида асосан мулк бошлангич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "InfinitBank"даги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000505015685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Уст-ва нусхаси, ваколатли шахс қатнаша, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслари сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинди. Мурожат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 8-уй. Тел.: (+99895) 193-74-96, e-mail: info@aukcion.uz. Гувоҳнома № 005148.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272- ва 287-моддаларига асосан, эълоғида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон ҳўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш муддати ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик Суд тартибида мажбурий ундирувга қаратилади. Шундай экан мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШҚАРМАСИ.

ФАН ОЙЛИГИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

Чунончи, худуддаги 68-мактабда бўлиб ўтган давра суҳбатиди истиқлол йилларида таълим соҳасида амалга оширилган иш-хотлар ва бунда миллий тилимиз ҳамда адабиётни оқсалтиришни назарда тутувчи ҳукуқий ҳужжатларнинг аҳамияти хусусида сўз борди. Бундан ташқари, 63-умумтаълим мактабиди ҳам шу муносабат билан тадбир ўтказилди. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси, "Ёшлик" журнали, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, Ф. Фулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи билан ҳамкорликда ташкил этилган "Замонавий ўзбек адабиётида Ватан мадҳи" номида давра суҳбатиди "Ёш қалам-кашлар" тўғрисида аъзолари устоз адабларга илм машқларини ўқиб беришди. Ўз навбатида, тахрирбали ижодкорлар ҳам Ватан мадҳида жўшиб, шеърхонлик қилиб, дори-ламон кунлар шукронаси бобида ёшларга сабоқ беришди.

Ўтказилган тадбирларда халқимизнинг кўп асрлик кадриятлари, урф-одат ва маросимлари, аввало, миллий тил ва адабиёт воситасида бешикка етиб келганлиги алоҳида таъкидланди. Шу маънода бугунги авлод зиммасидаги масъулият ҳозирги глобаллашув замонида нақадар улкан аҳамиятга эга эканлиги ўқувчиларга такрор-такрор ўқтирилди.

Зулхумор НУРМАМАТОВА,
Янгийўл тумани.

"КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориши тартибида ўтказилган оқик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти худудий бошқармасининг 2016 йил 6 октябрдаги 112 и/ч-сонли буйруғи ва 2016 йил 7 октябрдаги 01/05-4826-сонли буюртномасига асосан, яқка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон ҳўжалиги юртиши) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича қуйидаги ер участкалари такроран қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Ф. Ҳўжаев кўчасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 Га дан иборат бўлган, 1, 2, 3, 4, 5, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, жами 16 (ўн олти) та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошлангич баҳоси — 225 948 сўм 80 тиын.

2. Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, Фаргона кўчасида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 Га -

дан иборат бўлган, 1, 2, 3, 4, жами 4 (тўрт) та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошлангич баҳоси — 225 948 сўм 80 тиын.

3. Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, А. Навоий ва Ипак йўли кўчалари кесишган йўл бўйида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 Га дан иборат бўлган, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 10, 11, 12, 13, жами 12 (ўн икки) та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошлангич баҳоси — 281 881 сўм 60 тиын.

Савдо 2016 йил 14 ноябрь кунин соат 11.00 да, Олмалик шаҳар ҳокимлигининг маъмурий биносиди бўлиб ўтади. Буюртномалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушиш). Буюртномаларни қабул қилишнинг охириги муддати 2016 йил 11 ноябрь кунин соат 18.00.

Савдога қўйилган ер участкалари билан туман ҳокимлиги вакили иштирокида бевосита жойига чи-

қиб танишиш мумкин. Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, ҳар бир ер участкаси учун 200 000 (икки юз минг) сўмдан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519 х/р.га савдода иштирок этиш учун буюртномана топширувга қадар тўлашлари шарт.

Савдо қолибида савдо куниндан бошлаб 20 (йигирма) кун муддат ичида ерга бўлган ҳуқуқни тасаруф қилиш шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан кам бўлиб қолган тақдирда, етишмаётган миқдорини шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари оқилатилади.

Закалат тўғрисидаги келишув имзолангандан сўнг талабдор савдо ташкилотчисида аукцион савдоси ўтказиш тўғрисидаги хабарно-

мада белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни буюртманомана билан бирга тақдим этадилар:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси — паспорт нусхаси;
- хорижий юридик шахслар — уларнинг уставини белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси;
- хорижий фуқаролар — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорт нусхаси;
- Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган шахслар — яшаш гувоҳномаси нусхаси;
- солиқ тўловчининг идентификация (ИНН) рақами;
- закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Буюртномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,

Ҳозир ким қандай газе-
та ўқийди?

Аслида бу саволнинг жа-
вобини ҳаммамиз яхши би-
ламиз ва сабаблари ҳам
маълум. Газетхонлик ҳозир
икки кўринишда мавжуд:
биринчиси, тармоқ нашр-
ларини ўқиб боровчи ши-
фокор, ўқитувчи-мураббий,
қурувчи, ҳуллас, ишчи ва
хизматчиларнинг газетхон-
лиги. Иккинчиси, яллагчи-
ларнинг "яллама-ёрими"га
ишқивоз, қайси юлдузча
қандай овқатланишига
билмоқ истайдиган, ҳикоя-
намо, мақоланамо бир на-
рсалар ўқишга эҳтиёжманд,
ҳа, айнан, эҳтиёжмандлар.
Қизиғи, аста-секинлик бил-
лан ўқувчиларнинг бадиий-
эстетик дидини жиддий-
роқ мавзу ва масалалар
қадар кўтаришни неча йил-
лардан бери ваъда қила-
ётган бозоригир нашрлар-
ни аста-аста қўйиб қўйиб,
ўша савия-даража, аксин-
ча, пастга шўнғиётганига
гувоҳ бўласиз.

Каминани бир масала
ўйлантиради. Яъни, газета
ўқувчиларга қизиқ мавзу-
лардан гурунг бергани ду-
рустми ёки муҳим мавзу-
ларга қўл урилмаси? Тўғри,
давлат миқёсидаги йирик
тадбирлар ва ҳаракатлар
ўқувчилар учун қизиқ ва
айни бир пайтда муҳим.

Аммо, кундалик ҳаётими-
даги одатий воқеаларга
назар солганда, нашрнинг
келгуси чиқиши учун режа-
лар тузилаётганда, албат-
та, омманинг қизиқишлар-
ларидан келиб чиқади ва
нашрнинг табиати кўтарган
қадар ўша масала ёрити-
лади. Масалан, шоу-бизнес
янгиликларни расмий нашр-
лар табиатига мос тушма-
ганидек, ҳибон газетала-
ри ҳам иқтисодиётимиз-
нинг муҳим бўғинларида

кечаётган ҳодисаларни тах-
лилий мақолага айланти-
ролмайдилар. Билмадик, бу
нормувофиқлик қачон ва
қаерда пайдо бўла бошла-
ган, аммо, истардикки,
ҳамма ва жумладан, тала-
баю хизматчилар, соту-
чию харидорлар асл жур-
налистик материални фарқ-
лай олишса, вазирлик ва
идораларнинг ахборот хиз-
матлари берган маълумот-
ларни қайта ишламасдан,
мана, дея статистик тўплам

мисоли чоп қилаётган кўча
нашрларини баҳолай
олишса...

Ўзбекистон қахрамони
Озод Шарафиддиновнинг
бир мақолада ибратли
мисол бор. Домла герма-
ниялик ҳамкасбига муро-
жаат қилиб, немис турко-
логлари тўғрисида "Жаҳон
адабиёти" журнаliga мақо-
ла ёзиб беришни илтимос
қилибдилар. Лекин, немис
олимаси таклифни жуда

Кўп йиллар нуфузли ва-
зифаларда хизмат қил-
ган зиёли киши илк мар-
та ишга қабул қилини-
ши ҳақида ҳикоя қилар
экан, қизиқ бир ҳолатни
ёдга олади. Ўша суҳбат
жараёнида иш бевуви
раҳбар ёш мутахассис-
га қарата: "Газета ўқийсизми?" деб савол берган
экан. Баъзан шундай ҳолатлар бўладики, жавобдан
кўра, савол муҳимроқ, қадрироқ туюлади. Бу ўрин-
да ҳам бўлажақ амалиётчи-ҳуқуқшуносга қўйилаёт-
ган талаб – қайноқ ижтимоий ҳаётнинг уриб турган
юриги, давр муҳри бўлиши газета билан ҳамнафас-
лик, зиёли қатламнинг тафаккур маромидан боха-
барлик даражасини аниқлаш услуби тўғри ва ҳақ-
қоний талаб эди. Зотан, тахририятда ишлайётган
муҳаррир журналистлар ҳам, очигини айтганда,
пашша кўриб ўтирмайдилар. Шу куннинг нафасини,
давлат миқёсидаги барваж ишларнинг боришини
ўқувчиларга илиниш, муаммоларнинг сабаб ва
оқибатларини бартараф этишга ҳисса қўиши бугун-
ги ўзбек журналистикасининг бош мақсад-муддао-
сидир, дейилса, ҳақ гап бўлар.

Аммо, газета ва газетхонлик оммавий ҳодисага
айланмас экан, жамиятни олға ривожлантириш, зўр
ғоя ва масалаларни халқнинг чуқур қатламларига
сингдириш оғир кечади.

одоб ва андиша билан рад
этиб, бундай мақоладан
ҳеч наф йўқлигини, қуруқ
ахборот ўқувчиларга фой-
да бермаслигини айтади.
Ва вақти келганда, ўша ма-
взуда, аммо ижтимоий во-
қелик, илмий алоқалар та-
рихи мавзуи билан боғлаб
алоҳида тадқиқот ёзиб бе-
ражасини маълум қилади.

Юқоридаги мисолнинг
қандай ибратли томони
бор?

Тасаввур қилинг, Янги
йил ёки Наврўз байрами
аравасида йил статистика-
си, буржлар ва шу бурж-
ларда таваллуд топган
машхурлар, тақвимлар,
байрам дастурхони ҳақида-
ги қизиқарли маълумотлар
хусусий нашрларнинг изи,
ҳозиржавоблиги, замона-
вийлиги белгиси бўлиб
қолмоқда. Эътиборлиси,
айнан ана ўша маълумот-
лар ўтган йили худди шу
нашрда эълон қилингани-
дан озроқ фарқланади, хо-

лос. Бундай рақамбозлик
туфайли қизиқ маълумотга
ўч одамларнинг ҳаёлини
ўғирлаш режалаштирилган
аниқ. Аммо, охи-
роқибатда бундан ўқувчи
нима фойда олади? Ҳўп,
келаси йил ундок бўларкан,
фалон кунларда омадим
чопаркан, анови буюк
одамлар билан бир бурж-
да туғилибман қабилдаги
ширин хаёллар уч кун ўт-
май паққос ёддан кўтари-

Манаъият

АХБОРОТСИЗ ЯШАШ МУМКИНИ?

"Газета ўқийсизми?" деб савол берган
экан. Баъзан шундай ҳолатлар бўладики, жавобдан
кўра, савол муҳимроқ, қадрироқ туюлади. Бу ўрин-
да ҳам бўлажақ амалиётчи-ҳуқуқшуносга қўйилаёт-
ган талаб – қайноқ ижтимоий ҳаётнинг уриб турган
юриги, давр муҳри бўлиши газета билан ҳамнафас-
лик, зиёли қатламнинг тафаккур маромидан боха-
барлик даражасини аниқлаш услуби тўғри ва ҳақ-
қоний талаб эди. Зотан, тахририятда ишлайётган
муҳаррир журналистлар ҳам, очигини айтганда,
пашша кўриб ўтирмайдилар. Шу куннинг нафасини,
давлат миқёсидаги барваж ишларнинг боришини
ўқувчиларга илиниш, муаммоларнинг сабаб ва
оқибатларини бартараф этишга ҳисса қўиши бугун-
ги ўзбек журналистикасининг бош мақсад-муддао-
сидир, дейилса, ҳақ гап бўлар.

Аммо, газета ва газетхонлик оммавий ҳодисага
айланмас экан, жамиятни олға ривожлантириш, зўр
ғоя ва масалаларни халқнинг чуқур қатламларига
сингдириш оғир кечади.

Аммо, кундалик ҳаётими-
даги одатий воқеаларга
назар солганда, нашрнинг
келгуси чиқиши учун режа-
лар тузилаётганда, албат-
та, омманинг қизиқишлар-
ларидан келиб чиқади ва
нашрнинг табиати кўтарган
қадар ўша масала ёрити-
лади. Масалан, шоу-бизнес
янгиликларни расмий нашр-
лар табиатига мос тушма-
ганидек, ҳибон газетала-
ри ҳам иқтисодиётимиз-
нинг муҳим бўғинларида

кечаётган ҳодисаларни тах-
лилий мақолага айланти-
ролмайдилар. Билмадик, бу
нормувофиқлик қачон ва
қаерда пайдо бўла бошла-
ган, аммо, истардикки,
ҳамма ва жумладан, тала-
баю хизматчилар, соту-
чию харидорлар асл жур-
налистик материални фарқ-
лай олишса, вазирлик ва
идораларнинг ахборот хиз-
матлари берган маълумот-
ларни қайта ишламасдан,
мана, дея статистик тўплам

кечаётган ҳодисаларни тах-
лилий мақолага айланти-
ролмайдилар. Билмадик, бу
нормувофиқлик қачон ва
қаерда пайдо бўла бошла-
ган, аммо, истардикки,
ҳамма ва жумладан, тала-
баю хизматчилар, соту-
чию харидорлар асл жур-
налистик материални фарқ-
лай олишса, вазирлик ва
идораларнинг ахборот хиз-
матлари берган маълумот-
ларни қайта ишламасдан,
мана, дея статистик тўплам

кечаётган ҳодисаларни тах-
лилий мақолага айланти-
ролмайдилар. Билмадик, бу
нормувофиқлик қачон ва
қаерда пайдо бўла бошла-
ган, аммо, истардикки,
ҳамма ва жумладан, тала-
баю хизматчилар, соту-
чию харидорлар асл жур-
налистик материални фарқ-
лай олишса, вазирлик ва
идораларнинг ахборот хиз-
матлари берган маълумот-
ларни қайта ишламасдан,
мана, дея статистик тўплам

тасар айтганда, миллат
зиёлиларининг кайфияти
уйғунлашади, дунёқараши
биркилади.

...Ўқувчилик йилларимиз
эди. Янги ишга келган ёш
адабиёт муаллимаси синф-
га қираркан, бизларга си-
новчан тикилган кўйи,
ҳазин овозда шеър ўқий
кетди:

Тутиб берганида илк
бор "Ўғри"ни,
Севиндим: "Раҳмат,

тошни танийсизларми?"
деб сўраган эдилар. Ўшан-
да "ЎзАС"да шу имзо би-
лан санъатшунослик йўна-
лишида мухтасар мақола
ва ахборотлар чоп этилар,
табиийки, илк ўқитувчим
туфайли газетани ва унинг
муаллифларини яхши би-
либ олгандим. Абдуғафур
домла жавобимни эшит-
гач, майин жилмайиб,
илиқ гап айтганлари ёдим-
да. Шу-шу домла билан

рувчи, олға бошловчи зиё-
ли қатламнинг сафи то-
раяверади.

Аммо, баъзан ҳаётда
шундай ҳолатларга дуч ке-
ласизки, беихтиёр жур-
налист эканлигингиз, газета-
да ишлайётганингиз кўзин-
гизга нуқсондек туюлади.
Кўринишдан туппа-тузук,
зиёлинома кимсалар газе-
та ўқийдиган наф йўқлигини
айтиб қоладилар. Бундан
ташқари, газетга ишлаб

лада ҳам ўқувчиларга за-
моннинг уриб турган юра-
гини ҳис қилдириш, давр
кайфиятини изоҳлаш иста-
ги тахририят фаолиятида
асосий мезон бўлади.

Оддий фуқароларимиз-
ни кўя турайлик, баъзан
катта-катта ташкилотларда
ишлайётган ходимлар ҳам
газета ўқимаслиги, маъна-
вий-маданий жабҳада ке-
чаётган жараёнлардан бе-
хабарлиги кўзга ташланади.
Бу борада Ўзбекистон Рес-
публикаси Адлия вазирли-
ги вакилларининг қунонча-
лиги, газетхонлигига ҳавас
қилса арзийди. Ва-
зирлик ходимлари кундалик
нашрларнинг фаолиятини
қизғин кузатиш, ўқиб бо-
риш баробарида, уларнинг
фаол муаллифлари ҳам-
дир. Шунинг учун ҳам бу
ташкilotда ишлайётган
одам билан суҳбатингиз
мароқли кечади, сўз топол-
май қийналиб қолишлар
йўқ.

Журналист сифатида
ҳамиша бир манзарадан
чексиз мутаассир бўламиз,
яна ва яна янги нарсалар
ёзишга иштиёқ сезамиз,
ана ўша ҳолатдан ажиб
жўшқинлик ҳамда ҳар ишга
қобилият ҳиссини туямиз.
Ҳеч эътибор берганмисиз
– хиёбонда, метрода, иш
столида ҳаёлга чўмиб га-
зета ўқийтган, демаски, шу
куннинг қайноқ муҳокама-
ларига қовушган, тафаккур
соатларини ўтказётган ин-
сонда гоёт ҳассос қалб
бор; ҳар ишда, ҳар жабҳа-
да ҳақиқат ва адолат тан-
тана қилишига қатъий ишо-
надиган ва, керак бўлса,
шу йўлга жонини тикади-
ганлар ҳам улар. Жамият-
нинг зарбдор кучи – шу-
лар, фикрининг зўри ҳам
уларда...

Устоз файласуфдан за-
монанинг қаҳрамони ҳақида
сўраганимизда, қатъий
билан: "Ўз замонасини се-
ган одам – унинг қаҳрамо-
нидир", деган эдилар.
Жавоб замиридаги маъно-
ни, миқёсининг кенглигини
кўринг...

Мақолага мухтасар якун
бўлган айни жумланинг ма-
зину бугун беш сўз юрит-
ган мавзуга боғлаб қақиб
қўришни ўзингизга ҳавола
қиламиз...

БЕҲЗОД ҚОБУЛОВ.

Шу сонга хушхабар



FIFA WORLD CUP
RUSSIA 2018

МУНДИАЛ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

Гуруҳ босқичининг 3-
турида Эронга қарши
ўтказилган омадсиз учра-
шувдан кейин муҳлислар
терма жамоамиздан фақат
галаба қўтишганди.
Ўйиндан олдинги матбуот
анжуманида мураббий
Самвел Бабаян томони-
дан жамоамиз учрашувга
жиддий тайёргарлик кўр-
гани алоҳида таъкидлан-
ганди.

Қўтирилганда ўйин тер-
ма жамоамизнинг шид-
датли ҳужумлари билан
бошланди. Учрашувнинг
бошидан ташаббусни
қўлга олган йигитлари-
миз биринчи бўлимда

рақиб дарвозасини иш-
гол қилишнинг уйдасидан
чиқа олмадилар.

Аммо, иккинчи бўлимда
ҳаммаси биз истагандек
бўлди. Учрашувнинг 50-
дақиқасида Марат Бикма-
ев ҳисобни очган бўлса,
86-дақиқада Отабек Шук-
ров томонидан киритил-
ган гол ўйиндаги якуний
ҳисобни белгилади.

Ўзбекистон терма
жамоаси кучли рақибга
қарши ўйинда жуда му-
ҳим уч очкони қўлга ки-
ритди. Термамизга келгу-
си баҳсларда ҳам муваф-
фақият тилаб қоламиз.
Ф. ТОЛИПОВ.

Ўзбекистон Бадиий
академиясининг Марка-
зий кўргазмалар залида
замонавий санъат кўр-
газмаси бўлиб ўтмоқда.

Кўргазма

Ўзбекистон Бадиий академия-
си раиси А. Нуриддинов ва бош-
қалар мамлакатимизда санъат ва
маданият равнақи йўлида кўрса-
тилаётган улкан эътибор ва ғам-
хўрлик ёш авлод маънавиятини
юксалтириш, ижодкорларни ҳар

ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ СИРЛАРИ

жihatдан қўллаб-қувватлаш, мада-
ний-маърифий соҳалардаги халқ-
аро ҳамкорликни янада кенгайти-
ришда муҳим омил бўлаётганини
таъкидлади.

Кўргазма учта экспозиция май-
дониди – Марказий кўргазмалар
зали, Тошкент Фотосуратлар уйи
ва Ўзбекистон Бадиий академия-
си Иқуо Хираяма номидидаги халқ-
аро маданият карвонсаройида

бўлиб ўтмоқда. Экспозицияда за-
монавий санъатнинг инсталляция,
видеоарт, фотоарт ва бошқа бар-
ча турлари ва услублари намуна-
лари тақдим этилмоқда.

Кўргазмадан мамлакатимизда
ҳукм сураётган тинчлик, миллат-
лараро товулликни очиб беради-
ган туркум фотосарлар ўрин ол-
ган. Айни пайтда инсон руҳияти,
хаёлотининг чексизлиги томоша-

бинларга фотосанъатнинг турли
жанрлари орқали таъсирчан тар-
зда етказиб берилган.

Кўргазмада Ўзбекистон, Голлан-
да, Украина, Қозоғистон, Маро-
каш, Фаластин, Тунис, Тожикистон
каби мамлакатлар фотомусаввир-
ларининг ишларидан иборат экс-
позиция ҳам намойиш этилмоқда.

Ш. МАМАТУРОВА,
ЎЗА мухбири.



"Ақл"ли кўмакчи

Майяида жойлашган For2 стартапи
дунёда биринчи бўлиб "ақли" турник
(тортилгич) – Smart Fitness Barни тақ-
дим қилди.

TechCrunch нашрининг
ёзишича, компания бу
"ақли" турник ўз қомати
устида шуғулланадиган-
лар учун фойдали бўлади,
деб ҳисоблайди. Smart
Fitness Bar турниги Bluetooth орқали смартфон-
га уланади ва барча зарур маълумотни махсус
яратилган дастурга жўнатади. Турник нафақат
тортилмиш сонини, балки пульсни ўлчади
ҳамда йўқотилган калорияларни ҳисоблайди.
Бундай қурилма фойдаланувчиларни дўстлари
ва танишларининг жорий кўрсаткичларидан
ўтишга ундаб, мусобақа кайфиятини қўллаб-
қувватлашга ёрдам беради.

Бир маконда ишловчи интернет

Хитой ўз ишланмалари эвазига
"ишонсиз" интернет-технологиялар-
ни алмаштириш стратегиясини ярат-
иши тезлаштириши керак.

Гап миллий
интернет тизи-
мини яратиш,
глобал тармоқ-
нинг хос моде-
лини жорий
этиш ҳақида бо-
райтир. Чин
юрти раҳбари
айни масаладан
сўз очиб, жумладан, шундай фикр билдир-
ган: "Биз ўз ишлаб чиқаришимиз ва ахбо-
рот технологияларининг ҳимояси ва назор-
ат қилинуви тизимини яратишимиз, уни
такомиллаштиришни тезлатишимиз керак".
Хитойнинг бу режаси амалга ошса, яқин
келажада бутунжаҳон ахборот макониди
кекин ўзгаришлар даври бошланади. Чунон-
чи, айрим давлат ва минтақалар ҳам нисба-
тан беҳавотир тармоқ яратиш устида кўпдан
буён бош қотириб келишмоқда.

Қуёш "тандири"да пишган неъматлар

Австралия чўлининг жанубида буткул қуёш энергия-
си ва чучуқлаштирилган денгиз сувида ишловчи
Sundrop Farms ширкати жойлашган.

Бу ерда барча сабзавотлар
чўл худудида қурилган иссиқхо-
наларда етиштирилади. Ферма
чучуқ сув, зарур ер ва электр
энергияси бўлмаган шароитларда
бошқоқли ўсимликлар ўсти-
риш усулини топиш ниятидаги
бир гуруҳ ташаббускорларнинг
тадқиқоти натижаси. Тадқиқот-
чиларнинг таъкидлашича, бун-
дай шароитда маҳсулот етиш-
тиришни ўрганиш лозим, чунки
тоза сув ва яхши тупроқ борган
сари камайиб бормоқда.

Фермада қуёш батареялари
ўсимликлар учун мақбул ҳаро-
ратни ушлаб туришга етарли-
ча электр энергияси ишлаб чи-
қаради ва шу билан бирга шўр
денгиз сувини чучуқлаштирув-
чи станцияларни электр энер-
гия билан таъминлайди. Бун-



дай сув билан сабзавотларни
муаммосиз суғориш мумкин. 3
йил аввал ферма асосчилари
ҳозиргидек натижаларга эри-
шишни орозу қилишарди.
Бироқ, ўшанда ҳам натижалар
ёмон бўлмаган. Ферма фаоли-
ятининг иккинчи йилида бир
тоннага яқин сабзавот олиша
муваффақ бўлинган. Ҳозир эса
иссиқхоналарда 17 тонна ҳосил
етиштирилмоқда.

Интернет хабарлари
асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Маъмулий:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ
Назоратчи мусоҳиҳ
Қумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ